

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА ЖАМИЯТНИ КРЕАТИВ БОШҚАРИШНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МУАММОЛАРИ

ЎДЖҚНА кафедраси профессори, сиёсий фанлар доктори

К.А. Юнусов

Мақолада мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида жамиятни креатив бошқариш муаммолари, креативликнинг моҳияти, жамиятни бошқаришдаги ўзига хос хусусиятлари талқин қилинган. Мазкур муаммонинг жамиятни ҳаётида, модернизация қилиш жараёнида нақадар долзарб аҳамият касб этиши кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: модернизация, креативлик, демократия, жамиятни креатив бошқариш, креатив раҳбар кадр, ижтимоий ҳамкорлик, ижтимоий феномен.

В данной статье исследуются проблемы креативность, креативное управления государственных структур и его специфические особенности в процессе модернизации общества. А также, изучаются особенности данного феномена и его проявления в общественном процессе.

Ключевые слова: модернизация, креативность, демократия, креативное управления, креативная руководитель, корпоративное управление, социальный феномен

In this article it is investigated creativity problems, creative managements of government institutions and its specific features in the course of modernization of society. And also, features of this phenomenon and its manifestation in public process are studied.

Keywords: modernization, creativity, democracy, creativemanagements, creative head, corporate management, social phenomenon.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган мазкур мақолада, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида жамиятни креатив бошқариш муаммоларини кўриб чиқишни лозим топдик. Зеро, ҳар қандай туб ижтимоий ўзгариш, юксалиш ўз-ўзидан содир бўлмайди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг модернизациялашуви жараёни ҳам ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди ёки уни кимдир четдан келиб амалга ошириб бермайди. Бунинг учун, энг аввало, давлат ва бошқарув тизимида муҳим ўзгаришларни амалга ошириш талаб этилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини модернизация қилиш жараёни, уни рўёбга чиқарувчи ички механизмига эга бўлмоғи лозим.

Ўтган асрнинг 80-йилларида, собиқ Шўролар давлатида давлат раҳбари М.С. Горбачёв томонидан илгари сурилган, жамиятни “Қайта қуриш” сиёсати ўзининг айнан ички механизмига эга бўлмаганлиги сабабли ҳам барбод бўлган ва бундай сиёсат амалда “Қизил империя”нинг парчаланиб кетишига олиб келган эди.

Креативлик – лотинча сўз бўлиб, сгео – яратмоқ, ташкил қилмоқ деган маъноларни англатиб, индивид ёки шахснинг яратувчиликка асосланган фавқулудда туғма қобилятини, ҳайратомуз янгиликларнинг ташаббускори сифатидаги юксак даражадаги интеллектуал салоҳиятини англатади[4.].

Мазкур тадқиқот мавзусига тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Соҳибқирон Амир Темур шахси фикримизга ёрқин мисол бўла олади. “Тажрибамда кўрилганким, - деб таъкидлаган Соҳибқирон Амир Темур ўзининг “Темур тузуклари”да, - ишбилармон, мардлик ва шижоат

соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради” [3.15.]

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз нафақат миллатимиз, Ватанимиз тарихида, балки жаҳон тарихида ўзининг муносиб ўрин эгаллаган, из қолдирган креатив шахс ҳисобланади.

Фикримни асослаш учун қуйидаги маълумотни эътиборингизга ҳавола қиламан. Амир Темур номига Соҳибқирон сўзи қўшиб айтилади. Соҳибқирон сўзининг маъноси нима? Соҳибқирон сўзининг маъноси: соҳиб – эгаси, қирон – яқинлашув яъни Муштарий(Юпитер) ва Зухал(Сатурн) сайёралири ҳар 800 йилда бир мартаба ўзаро яқинлашиши кузатилган. Ана шу даврда, қирон кечасида туғилган чақалоқ, келажакда буюк шахс бўлиб етишади. Тарихдан жаноби Расулulloҳ Муҳаммад алайҳиссалом, Соҳибқирон Амир Темур Қўрагон, Александр Македонскийларни мисол келтириш мумкин. Улар тарихий шахс сифатида жаҳон тарихи тараққиётида оламшумул роль ўйнаганлар.

Соҳибқирон Амир Темур шахси, унинг давлат бошқарувидаги, ҳарбий, сиёсий, маънавияти, илмий, фикр илмига ва бошқа кўплаб соҳалардаги зеҳни, илмий салоҳияти ҳанузгача дунё олимларининг диққат марказидан ўрин олган ва бу борада илмий изланишлар давом этмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур фаолиятининг креативлик хусусияти ва уни илмий тадқиқ этишнинг ҳозирги давр учун аҳамияти шундан иборатки, ҳозирда, креативлик яъни яратувчилик, ташаббускорлик, ижодийликка эга бўлган замонавий раҳбар кадрларнинг янги авлодини тарбиялаб етиштириш ва улар томонидан илгари суриладиган инновацион ғоялар мамлакатимизни модернизация қилишда муҳим роль ўйнайди. Жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида фаолият кўрсатадиган, креатив қобилиятга эга бўлган раҳбар кадрларни излаб топиш, уларни тарбиялаб етиштириш зарур.

Шунингдек, креативлик – инсоннинг ижодийликка асосланган туғма қобилиятини ҳам англаиб, мавжуд стереотиплардан воз кечиб, мутлақо янги ғояларни илгари сура олиш ва уларни амалда татбиқ эта олиш хусусиятига эга бўлишини ифодалайди. Креативлик – ақл кучига асосланган заковат феномени бўлиб, индивид ёки шахснинг ўз даври интеллектуал ривожланиш даражасидан бир мунча илгарилаб кетишини ҳам англатади. Жамиятнинг бошқарув тизимида креативлик омили - ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни модернизация қилиш жараёни ва уни амалга оширувчи ички механизмларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги даврнинг глобаллашуви шароитида демократик тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон каби кўплаб ривожланаётган мамлакатлар тараққий топган давлатлар даражасига етиш учун интилоқдалар. Бунинг учун эса жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётини сўнгги технологиялар ёрдамида модернизация қилиш талаб этилади. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, таълим ва бошқа кўплаб соҳаларни бошқаришни ҳам демократик тамойиллар асосида ташкил қилиш зарурияти мавжуд. Акс

холда, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Чунки эски арава конструкцияси билан замонавий реактив ракета ясаб бўлмаганидек, эскича ижтимоий-сиёсий қарашлар, муносабатлар, бошқариш усуллари (масалан, маъмурий-бўйруқбозликка асосланган бошқарув усули) билан ҳам ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириб бўлмайди.

Модернизациялашган жамият - жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан ўзаро узвий алоқадорлиги ҳамда уйғунлигини назарда тутади.

Маданий модернизациялашув - ижтимоий тараққиётнинг юксак даражадаги босқичга ўтиши, шахснинг ҳар томонлама (маънавий, ахлоқий, маърифий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа) камол топишини англатади.

Мамлакатимизни модернизация қилиш билан боғлиқ муҳим масалалар ва ғоялар Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилмоқда. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси раҳбари лавозимига келган дастлабки даврданоқ, мамлакатимизнинг бир ёқлама ижтимоий-иқтисодий қолоқликдан халос бўлиши, жамиятимизнинг барча соҳалари, хусусан, фан, таълим каби муҳим соҳаларини модернизация қилишнинг назарий ва амалий ўзгаришлар раҳнамоси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Фикримизга,

Юртбошимизнинг 1989-йил 28-ноябрда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда: “Ҳозир мувозий тузилмалар пайдо бўлишидан кўрқмасдан илмий изланишнинг қудратли омилларини вужудга келтириш, беллашув, илмий ғояларнинг, турли ёндашувларнинг курашини ташкил этиш ва ана шу курашда олимларнинг янги авлодини чиниқтириш лозим”лиги тўғрисида айтган фикрини мисол қилиб келтиришимиз мумкин [1.87].

Ҳозирги замон раҳбар кадрларининг кўплаб сифатларини кўрсатиб берар экан, Юртбошимиз Ислом Каримов, шундай деб таъкидлайди: “ Бугунги кунда Ўзбекистонни бошқариш, уни ҳимоя қилиш, халқимизнинг эртанги кунини ўйлаб, мустаҳкам сиёсат олиб бориш ва энг муҳими, мустақиллик деган, Худонинг ўзи бизга буюрган муқаддас неъматни мана шундай асраб-авайлашда, яқин ва узоқ келажакни барпо этишда бутун борлиғини бағишлаб яшайдиган одамларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда”[2.211-212].

Мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида креативлик омили муҳим аҳамият касб этади. Чунки замонавий технологияларни бошқариш, жаҳон стандартларига мос келадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни муттасил равишда такомиллаштириб бориш, энг аввало, салоҳиятли кадрлар, хусусан, креатив раҳбар кадрлар фаолияти билан боғлиқдир. Ўз навбатида, мамлакатни модернизация қилишда, иқтидорли, юксак интеллектуал қобилиятга эга бўлган раҳбар кадрларнинг роли каттадир.

Креативлик хислатларига яъни яратувчилик, ташаббускорлик, ижодий ёндашувчанликка эга бўлган замонавий раҳбар кадрларнинг янги авлодини тарбиялаб етиштириш ва улар томонидан илгари суриладиган инновацион ғоялар мамлакатимизни модернизация қилишда муҳим роль ўйнайди.

Жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида фаолият кўрсатадиган, креатив қобилиятга эга бўлган раҳбар кадрларни излаб топиш, уларни тарбиялаб етиштириш зарур. Ҳа, албатта, креатив қобилиятга, хусусиятга эга бўлган раҳбар бошчилик қилаётган муассаса ёки ташкилот хизматчи-ходимларига осон кечмайди. Аммо шуни айтиш жоизки, бундай ташкилот аъзолари тез орада ҳавас қилса арзийдиган, намунали даражадаги жамоага айланиши аниқ. Фикримизга мисол сифатида Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетини келтиришимиз мумкин. Бир неча йиллар давомида шаклланган креатив раҳбарнинг саъй-ҳаракатлари, тинимсиз меҳнати, катта жамоага раҳбарлик қила олишлик салоҳияти туфайли университет республикада илғор олий ўқув юртига, худуди эса ҳар қандай инсон ҳавас қиладиган истироҳат боғига айлантирилди. Шу ўринда айтиб ўтмоқ жоизки, муайян соҳада креативлик феноменига қўшилган, узоқ йиллар давомида тўпланган тажриба, билим – шу соҳанинг раванқ топишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз Ислом Каримов ёшларни замон талаблари асосида тарбиялаш масаласига алоҳида урғу бериб таъкидлайдики: “Агар биз ўз вақтида узоқни кўзлаб, катта умид билан ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг чуқур билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун замин яратмасак, уларни замон талаб қиладиган мутахассис кадрлар этиб тайёрламасак, бугунги кунда бутун дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз даврида юртимизда тинчликни сақлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга, айти шундай оғир шароитда халқимиз ҳаётининг тобора юксалишига эриша олармидик?

Йўқ, албатта.

Ҳаммамизга чуқур бир ҳақиқат аён бўлиши керак - биз юртимизнинг эртанги ривожини йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларини бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди” [2.266-267].

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларни чиқариш лозим.

1. Креативлик феномени - жамиятни модернизация қилишнинг муҳим механизмларидан бири бўлиб амал қилади.
2. Креатив туғма қобилиятга эга бўлган ёшларни излаб топиш ва тарбиялаш, уларни қайси мутахассисликка эга бўлишларидан қатъий назар, жамиятимизнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатишларини таъминлаш – мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.
3. Креатив қобилиятга эга бўлган раҳбар кадрларни тайёрлаш, бу жараёнда илғор, замонавий педагогик технологияларга асосланган интерфаол усуллардан фойдаланиш - жамиятимизнинг модернизациалашуви шароитида

раҳбар кадрларнинг янги авлодини тарбиялаб етиштиришни таъминлайди. Бу борада, айниқса, педагогик инновацияларни излаб топиш, таҳлил қилиш асосида энг кўп самара берадиганларини танлаш, уларни амалиётда қўллаш тартибини белгилаш, кўп жиҳатдан олий ва ўрта махсус таълимнинг профессор-ўқитувчилари маҳоратига ва салоҳиятига боғлиқдир.

4. Креатив қобилиятга эга бўлган раҳбар кадрларни тайёрлаш жараёнида масофадан ўқитиш, интернет орқали энг яхши тажрибаларни, хусусан, илғор, ривожланган давлатлартажрибаларини ўрганиш каби амалиётни кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса, кадрларнинг интернет тизимидан кенг фойдалана олиш имкониятларини ошириб бориш лозим. Шу орқали профессор-ўқитувчиларда ёш кадрларга чуқур ва замонавий билим бериш малакасини юксалтириб бориш мумкин.

5. Илғор бўлиш, ўзгалардан орқада қолмаслик, каби ҳислатлар таълим соҳасидаги янгиликларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Шунинг учун, олий ўқув юртларида педагог кадрлар олдида инновацияларни, таълим соҳасидаги янгиликларни амалиётга жорий этиш усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

6. Таълимнинг мазмун ва сифат жиҳатидан янгиланиши, илғор педагогик технологияларни, таълимнинг анъанавий усулларидан воз кечиб, профессор-ўқитувчиларга алоҳида ёндошган ҳолда, уларнинг маҳоратини, қобилиятини янада чуқурлаштириш, уларга сайқал берилган омил, восита ва усуллардан қўллаш ва маънавий-маърифий тарбиявий тадбирларнинг истиқболли ва жорий режаларининг намунавий дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар:

1. Ислон Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 2011 й.
2. Ислон Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир.- Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 2015 й.
3. Темур тузуклари. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт. 1991 йил.
Интернет маълумотлари:
4. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
5. <http://cool.com/>